Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 15 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 124 (13.457)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТ ОСТОНА САММИТИНИНГ АҲАМИЯТИ ДИПЛОМАТЛАР ЭЪТИРОФИДА

Ўтган ҳафтада минтақамиз ҳаётида ўз ёрқинлиги ва эътиборга сазоворлиги билан кенг аҳамият касб этувчи муҳим воқеалар бўлиб ўтди. Бу, биринчи навбатда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остона шаҳрида ўтказилган саммити ва унинг якунлари, шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антонио Гутерришнинг Марказий Осиёдаги бешта давлатга амалга оширган ташрифи бўлди.

Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган бир қатор дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари беқиёс аҳамиятга эга. Ушбу воқеалар ҳақидаги мулоҳазаларини "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан ўртоқлашдилар.

СУНЬ Лицзе, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Қозоғистонда ўтган ШҲТ саммити Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга аъзоликка қабул қилиниши муносабати билан ҳам улкан воқеа бўлди. Аминманки, ташкилотнинг кенгайиши унинг келгуси ривожланиши учун янги куч ҳамда рағбат беради. Бу мазкур тузилманинг юқори нуфузга эгалиги ва яшовчанлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, Остона учрашувлари доирасида қабул қилинган Экстремизмга қарши курашиш бўйича конвенция ШҲТ маконида барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш учун ўта муҳимдир.

Раислик қилиш эстафетасини Хитой қабул қилиб олди. Биз тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, "уч ёвуз куч" – экстремизм, терроризм, айирмачиликка қарши курашиш ҳамда аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, шунингдек, бошқа соҳалардаги ҳамкорликни жадаллаштириш борасидаги фаолиятни давом эттирамиз. Шу билан бирга ШҲТ маконида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ва халқларнинг яқинлашувини ривожлантиришга кўмаклашамиз.

Марказий Осиё ҳаётида содир бўлган сўнгги муҳим воқеалар қаторида БМТ Бош котиби А.Гутерришнинг мазкур минтақага ташрифи алоҳида эътиборга сазовордир. Унинг ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиши, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларига ташрифи ташкилотга халқаро ҳамжамиятда улкан аҳамият қаратилишини яна бир бор тасдиқлайди.

Ташриф чоғида БМТ Бош котиби инқироз кўламини яққол кўриш мумкин бўлган Оролбўйи ҳудудига ҳам борди. Биз ушбу масалага катта эътибор қаратаётганимизни ва мазкур глобал муаммони биргаликда ҳамда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблашимизни таъкидлашни истардим.

Ерик УТЕМБАЕВ, Қозоғистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– ШҲТ саммитида 11 ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар аҳамиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз фаолиятининг янги босқичига кўтарилди. Ўтган йили Тошкентда берилган туртки минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишда жипслаштирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси вазифаларини кибержиноятчиликка қарши курашиш йўналиши бўйича кенгайтириш ва ахборот технологиялари соҳасида биргаликда фаолият юритувчи тузилма ташкил этиш борасидаги ташаббуслари ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институтида битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ички ишлар вазири А.Азизов, институт бошлиғи А.Қўлдошев ва бошқалар мамлакатимизда офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, билим юртларида курсантларнинг таълим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун шароит яратиш, соҳанинг нуфузини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, тизимдаги таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган бўлиб, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилган.

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб бериш, уларни Ватанимиз, халқимиз осойишталигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш ва бартараф этишда юқори малакали офицер кадрларни етказиб беришда Ёнғин хавфсизлиги институтининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда ушбу таълим муассасасини тамомлаган минглаб мутахассислар юртимизнинг турли гўшаларида халқимиз аҳолисини ёнғин хавфидан асраш учун муносиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш мақсадида институтда "Ёнғин хавфсизлиги" ва "Техносфера хавфсизлиги" мутахассисликлари бўйича офицер кадрлар тайёрлаш, соҳа учун раҳбар кадрларни ўқитиш тизимини жорий этиш каби вазифалар белгиланди.

Тантанали маросимда битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумотли диплом топширилди.

– Бугун менинг ҳаётимда унутилмас ва қувончли кун, – дейди битирувчи Элёрбек Раҳимов. – Ёшлигимдан машаққатли касб бўлсада ёнғин хавфсизлиги ходимларининг фаолиятига қизиқаман. Бугун улар сафига қўшилганимдан жуда бахтиёрман. Биз ўтган вақт мобайнида билим юртининг профессор-ўқитувчиларидан назарий ва амалий билимларни пухта эгалладик. Эндиликда олган билим ва кўникмаларимизни халқимизнинг хавфсизлиги йўлида сарфлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбир муносабати билан йиғилган соҳа ходимлари ва ота-оналар ёш офицерларни билим юртини тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўяётгани билан муборакбод этдилар. Уларга кейинги ҳаётидаги шарафли ва масъулиятли ишларида омад тиладилар.

Абдуалим САЛИМОВ

ЭКСПОРТ БОЗОРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида россиялик ишбилармонлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасида экспорт-импорт алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, тадбиркорларга бозор талабларини ўрганиш асосида ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш, ишончли ҳамкорлар топишга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

– Новосибирск ва Барнаулда йирик савдо майдонлари қурилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Россиянинг Ташқи савдо ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш кенгаши раҳбари Максим Черешнев. – Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи субъектлари ушбу майдонлардан жой эгаллашидан манфаатдормиз. Уларнинг савдо билан шуғулланиши учун барча шароит яратиб берилади.

Учрашувда Тошкент, Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардан келган экспортчи корхоналар вакиллари қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Музокаралар якунида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан Россиянинг Ташқи савдо ва халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш кенгаши ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

С.ШОЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли кучайтирилиб, давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилаётир.

Йиғилишда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан 2016 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тингланиб, уларнинг кейинги фаолияти устувор вазифалари белгилаб олинди.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишида фуқаролик институтлари, ННТ роли ва ўрнини кучайтириш, ОАВни демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг, демократик ислоҳотлар жараёнида ёшлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш мақсадида марказ ва чекка ҳудудларда 4 минг 200 дан ортиқ тадбир ўтказилган. 2016 йилда институт мутахассислари 50 дан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига 2016 йилда 150 миллион сўм миқдорида субсидия ажратилгани ҳақида маълумот берилди. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, соҳа ходимларининг замонавий билим ва касб маҳоратини оширишга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан 2016 йилда 21 лойиҳа фаолияти мувофиқлаштирилди, – дейди ассоциация раиси Ф.Абдухолиқов. – Ушбу лойиҳалар ассоциацияга аъзо ҳудудий телерадиостанцияларга ҳуқуқий-маслаҳат кўрсатиш, ОАВ фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бу жараёнда нодавлат телерадиоузатувчилар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Нодавлат телерадиостанциялар эфир дастурларини ижтимоий, маданий-маърифий, мусиқий, киновидео медиа маҳсулотлар билан бойитиш, ассоциацияга аъзо нодавлат телерадиоузатувчилар ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш ва уларни моддий рағбатлантириш, турли фестиваллар, кўрик-танловлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Г.САТТОРОВА, ЎзА мухбири

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда 12 маслаҳатчи ўзаро баҳслашди. Тадбир доирасида маҳаллаларда ишлаб чиқарилаётган миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси, санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди.

● Андижонда "Қатъий ҳаётий қарашлар ва ўз позициясига эга бўлган инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмайди" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, бошланғич ташкилотлар раислари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Бухорода "Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман" шиори остида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Ёш сиёсатчи – 2017" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

● Тошкент вилояти Зангиота туманида "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш – оилалар мустаҳкамлиги ва жамият саломатлигининг гаровидир" мавзусида учрашув ўтказилди. "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгашининг "Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, "Оила" илмий-амалий маркази вакиллари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

● Андижон вилояти Асака туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши, партиянинг "Ёшлар қаноти" бўлими ҳамда Асака тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш – демократик жамият қуриш пойдевори" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Бангладешда бир неча кун давомида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида жойларда ер силжишлари келиб чиқиб, табиий офат 46 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Шунингдек, транспорт ҳаракати ва электр таъминотида узилишлар келиб чиқди.

● Жанубий Кореянинг янги сайланган президенти ФИФА раҳбариятига футбол бўйича 2030 йилги жаҳон чемпионатини КХДР ва Шимолий Осиёнинг бошқа давлатлари билан биргаликда ўтказиш таклифи билан чиқди.

● Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра, спортнинг 15 тури бўйича Олимпиада дастурига ўзгаришлар киритилди. Шу тариқа Токиода ўтказиладиган 2020 йилги ўйинларда Олимпиадалар тарихида энг кўп аёллар иштирок этади, шунингдек, микст бўйича мусобақалар миқдори 9 тадан 18 тага кўпайтирилади.

ШҲТ ОСТОНА САММИТИНИНГ АҲАМИЯТИ ДИПЛОМАТЛАР ЭЪТИРОФИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Винод КУМАР, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Энг аввало, Ҳиндистоннинг ШҲТ аъзолигига қабул қилиниши биз учун улкан шараф эканлигини қайд этмоқчиман. Мамлакатимизнинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириши масаласида бизни доимо қўллаб-қувватлагани ва ёрдами учун Ўзбекистонга ташаккур айтамиз.

Биз ШҲТ аъзолари билан изчил ҳамкорлик олиб боришга ҳамда ташкилотнинг ривожига ўз муносиб ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз. Жумладан, бу борада терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишлари устувор саналади.

Саммит доирасида бўлиб ўтган Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев учрашуви ижобий ҳамда дўстона кайфиятда кечди. Ҳукуматимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо бўлиши кўплаб йўналишлардаги ўзбек – ҳинд алоқалари ривожига жўшқинлик бағишлайди. Иккала етакчи кенг кўламли, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва икки мамлакат ўртасида товар айирбошлашни ошириш масалалари юзасидан фикр алмашди. Шунингдек, минтақавий аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Орол денгизи инқирози оқибатларини бартараф этиш бўйича муҳим қадамларни қўйди. ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик мазкур масалага янада катта эътибор қаратиш ва энг самарали натижаларга эришиш учун замин яратишига ишонаман.

Риёз Ҳуссаин БУХОРИЙ, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– ШҲТ Давлат раҳбарларининг навбатдаги мажлисида тарихий воқеа юз берди – бизнинг мамлакатимиз ушбу ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Биз мазкур тузилмага аъзо бўлиш учун зарур талабларни қадам-бақадам амалга оширдик. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, Покистон ШҲТнинг асосий тамойилларига, энг аввало, тенглик, ўзаро ишонч, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш ва умумий ривожланишга интилиш қоидаларига тўла риоя этади.

Ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Покистон ҳамда ШҲТга аъзо давлатларни маданий яқинлик, иқтисодиётнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши, кўплаб масалалар юзасидан умумий манфаатларнинг мавжудлиги боғлаб туради.

Биз минтақада тинчлик ва барқарорликнинг, терроризм ҳамда экстремизмга қарши курашиш, мустаҳкам алоқаларни ривожлантиришнинг бардавом бўлишига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан энергетика ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласида ҳам. ШҲТ Котибияти ҳамда Минтақавий аксилтеррор тузилмасида мавжудлиги туфайли Исломобод ташкилот фаолиятида самарали ўринни эгаллашга умид қилади.

Покистон ва Ҳиндистоннинг ШҲТ таркибига кириши натижасида ташкилот сайёрамизнинг қарийб 45 фоиз аҳолисини бирлаштиради, унга аъзо давлатларда дунё ялпи ички маҳсулотининг 25 фоизи ишлаб чиқарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукуматига Покистоннинг ташкилотга қўшилиши жараёнидаги қимматли ёрдами учун миннатдорлик билдиришни истардим. Остона саммити доирасида мамлакатимизнинг Бош вазири ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасида икки томонлама учрашув бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр алмашишди ҳамда муносабатларни мустаҳкамлаш орқали минтақада барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлларини муҳокама қилдилар.

З.АЗИЗХОНОВА суҳбатлашди



Қарор ва ижро

ЧЎҒЛАНМА ЛАМПАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Мамлакатимизда электр энергиясига талабнинг ортиб бориши ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Мамлакатимиз энергетика стратегиясининг муҳим вазифаларидан бири аҳолини ва иқтисодиётимизни энергетика ресурслари билан тўлиқ ва ишончли таъминлаш, шунингдек, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда ёритиш тизимларида чўғланма лампалардан фойдаланиш аста-секин тўхтатилиб, люминециент ёки светодиод лампалардан фойдаланишга ўтилмоқда.

Чўғланма лампалардан фойдаланиш – энергия тежамкорлик нуқтаи назаридан бугун самарасиз амалиёт ҳисобланади. Чунки уларнинг фойдали иш коэффициенти 5 фоиздан камроқни ташкил этади. Бу электр энергиясининг 95 фоизи иссиқликка, фақатгина 5 фоизи ёритишга сарфланишини англатади. Норматив бўйича ишлаш муддати 1 минг соатга яқин.

Энергия тежайдиган лампаларнинг ишлаш давомийлиги чўғланма лампаларга нисбатан 10 баробарга кўпроқ бўлиб, ёруғлик самарадорлиги 4-5 баробар юқори. Агар ёритиш ускуналарининг энергия самарадорлиги кўрсаткичи чўғланма лампаларда 1 ватт электр қувватига 13 люмен/ваттдан кам бўлмаган миқдорни ташкил этса, люминециент лампаларда 65 люмен/ваттни, светодиод лампаларда 110 люмен/ваттни ташкил этади.

Мамлакатимизда чўғланма лампаларни ишлаб чиқариш ва сотишни тўхтатиш, энергия сарфи ҳажмини қисқартириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 2016 йил якунлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида 2016/2017 йил куз-қиш мавсумида энергоресурсларни тежаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда 1210,3 миллион кВт/соат электр энергияси ва 991,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғими 10,8 фоизга, 2016 йилда 7,2 фоизга ва 2017 йилнинг биринчи чорагида 12,7 фоизга қисқаришига эришилди.

Иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш яқин истиқболдаги вазифалар ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 26 майдаги "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти таркибидаги "EGL-NUR" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти мамлакатимизда светодиод лампалар ва ёритгичлар ишлаб чиқараётган йирик корхоналардан бири. Ушбу корхона Жанубий Кореянинг "EG Lightings" компанияси ҳамкорлигида 2013 йил декабрь ойида ташкил этилган бўлиб, "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида жойлашган. Ҳозир бу ерда ушбу маҳсулотнинг бир неча тури ишлаб чиқарилмоқда. Корхона ойига 200 минг дона светодиод лампа ва 1000 дона ёритгич ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонада илғор технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга юқори сифати, энергия тежамкорлиги туфайли истеъмолчилар ўртасида талаб юқори. Ишлаб чиқарилаётган лампалар ҳар қандай иқлим шароитига чидамли, халқаро стандартларга мос, экологик жиҳатдан хавфсиз. Улар инсон саломатлиги учун мутлақо хавфсиз, зеро ультрабинафша ва инфрақизил нур таратмайди, таркибида оғир металл ва заҳарли моддалар йўқ. Корхона маҳсулотларидан мамлакатимиз шаҳарлари кўчаларида кенг фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган ушбу тежамкор лампалардан фойдаланиш муддати 30 минг соатдан ортиқ. Бу оддий чўғланма лампадан 30 баробар кўп дегани. Оддий чўғланма лампага нисбатан 9-10 баробар кам энергия сарфлайди. Светодиод лампалар ҳисобидан хонадонларда энергия сарфи бир неча баробар камаймоқда. Бу аҳоли турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Қабул қилинган қарорнинг амалиётда изчил қўлланилиши нафақат ёритиш мақсадларида электр энергиясидан самарали фойдаланишни, балки маҳаллий корхоналарда энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишни таъминлайди.

Нурилло НАСРИЕВ

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ҲАР БИР ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонун ҳимоясига олиниши бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмалари фаол иштирок этмоқда. Ташкилот томонидан фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар ўз вақтида ўрганилиб, ижобий ҳал этилаётир. Етказилган моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига ундириб берилмоқда.

– "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури асосида федерация фаолияти бугунги кун талаблари асосида такомиллаштирилмоқда, – дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари Нодирбек Юсупов. – Истеъмолчилар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи ўн кунлиги аҳоли билан мулоқот кунлари этиб белгиланган. Федерациянинг барча ҳудудий бирлашмалари, уларнинг туман ва шаҳар жамиятлари ҳузурида "Истеъмолчи билан мулоқот" ҳуқуқий маслаҳатхоналари ташкил этилган.

Ушбу маслаҳатхоналарга аҳоли билан бевосита ишлаш учун зарур билим ва мурожаатларни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлган тажрибали мутахассислар бириктирилган. Натижада истеъмолчилар соҳага оид савол ва муаммолар юзасидан тўғридан-тўғри мурожаат қилиш, тезкор, бепул ҳуқуқий маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирга қадар мазкур маслаҳатхоналарга фуқаролардан коммунал хўжалик, савдо, соғлиқни сақлаш, газ, сув, электр энергия таъминоти, алоқа, транспорт ва бошқа соҳалардан бир минг уч юздан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаат қилган фуқароларга қонун талаблари юзасидан тушунтириш берилиб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 1091 қисқа рақамли "ишонч телефони" орқали фуқароларнинг оғзаки мурожаатлари тегишли тартибда қабул қилинмоқда. Улар ижро учун ҳудудий бирлашмалар ва тегишли назорат органларига юборилади.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида истиқомат қилувчи Б.Холмуродов "ишонч телефони" орқали мурожаат қилиб, туман электр таъминоти корхонаси томонидан кўрсатилаётган хизматлардан норози эканлигини айтади. Унинг мурожаати жамият мутахассислари томонидан жойига бориб ўрганилганда, истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келганлиги, ҳатто 500 киловатт-соат электр энергияси сарфи учун олдиндан пул тўлаб қўйганлиги маълум бўлди. Ҳудуд назоратчиси Алишер Муродов томонидан йўл қўйилган хатолик, яъни тўлов маълумотлари ўз вақтида компьютер базасига киритиб қўйилмаганлиги сабабли унга асоссиз қарздорлик юкланган ва далолатнома тузилмасдан тармоқдан ноқонуний узиб қўйилган. Истеъмолчи Б.Холмуродов хонадонини қайта тармоққа улаб берилишини сўраганида, беш кун давомида оворағу сарсон қилинган. Олиб борилган ишлардан кейин истеъмолчининг ҳақлиги маълум бўлди. А.Муродовга нисбатан корхона томонидан интизомий жазо қўлланди.

– Хонадонимизга "Akfa" дераза ромларини ўрнатиш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорга буюртма бериб, шартнома имзоладик, – дейди Олмалиқ шаҳар Металлург кўчасида яшовчи Акмал Эшонқулов. – Аммо буюртма белгиланган муддатда тўлиқ бажарилмади. Уч ой давомида тадбиркорга қатнайвериб, қуруқ ваъдадан бошқа ҳеч нарсага эриша олмадим. Бу борада ёрдам сўраб истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг ҳудудий бўлимига мурожаат қилдим. Мутахассислар муаммони жойида тезлик билан ҳал этди. Тадбиркор томонидан дераза ромлари тўлиқ ва сифатли қилиб тайёрланиб, ўрнатиб берилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий йилнинг ўтган даврида федерацияга 60 мурожаат келиб тушган бўлиб, ижро учун ҳудудий бирлашмаларга юборилган. Мазкур мурожаатларнинг 56 таси ижобий ҳал этилиши натижасида истеъмолчиларга тўққиз миллион сўмга яқин маблағ қайта ҳисобкитоб қилиб берилган.

Истеъмолчиларнинг мурожаатларини қабул қилишни самарали ташкил этиш ва уларга янада қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Истеъмолчилар томонидан ариза, таклиф ва шикоятлар федерациянинг интернет тармоғидаги www.istemol.uz расмий веб-сайти орқали электрон қабул қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур виртуал қабулхонага истеъмолчилардан жами 31 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 18 таси ижобий ҳал этилган.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунларни тарғиб қилиш мақсадида федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан аҳоли ўртасида "Юксак истеъмол маданияти сари", "Истеъмол маданиятини ошириш – давр талаби", "Соғлиқни сақлаш соҳасида истеъмолчи ҳуқуқлари", "Ёшларнинг ҳуқуқий онгини, истеъмол маданиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларнинг ўрни", "Барчамиз истеъмолчимиз" каби мавзуларда ўқув-семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар нафақат истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, балки сотилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳар жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бозорларимизга истеъмолга яроқсиз товарлар ва хизматлар кириб келишининг олди олинмоқда.

(ЎзА)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 3 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш жараёнида Яккасарой туманидаги "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонасига ҳам ташриф буюрган эди. Ўтган вақт мобайнида ҳудудда қатор янгиланишлар, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бу тадбиркорлар кайфиятида ўз ифодасини топмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг ташрифи бизни жуда қувонтирди, – дейди "Baby Toys Garden" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ботир Ғафуров. – Президентимиз учрашувда биз учун муҳим бўлган вазифаларга тўхталиб, биз, тадбиркорларга амалий ёрдам берувчи давлат идоралари ваколатхонасини ташкил қилиш зарурлигини алоҳида қайд этдилар. Яқинда ана шу эзгу мақсад амалга оширилди. Эндиликда режасиз, ноқонуний текширишларига чек қўйилди ва турли ташкилотлар вакиллари бизга яқиндан амалий кўмак бермоқда. Хоҳ ҳуқуқий идоралардан, хоҳ солиқ, божхона, банк, ички ишлар тизими ходими бўлсин барчаси биз билан турли учрашувлар, суҳбатларни ушбу ваколатхонада ўтказмоқда. Яккасарой туманидаги собиқ тўқимачилик комбинати ҳудудида ташкил этилган "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонаси ҳудудида қарийб уч юз тадбиркорлик субъекти тўқимачилик, кимё саноати, озиқ-овқат, мебелсозлик, металлни қайта ишлаш, қоғоз, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик каби тармоқларда фаолият юритмоқда. Шу вақтгача бу ерда тадбиркорлар ўз имкониятлари асосида иш юритар, фаолияти давомида сув, электр таъминоти ва яна бир қатор масалаларда қийинчиликларга дуч келарди. Ҳудудда сервис хизматларининг тўлатўкис йўлга қўйилмаганлиги кўпинча сарсонгарчиликларга, тадбиркорнинг бугунги ишини эртага суришга сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари технопарк ҳудудига ташрифи чоғида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билангина тадбиркорликни ривожлантириб бўлмаслиги, уларга қулай муҳандислик-коммуникация тизими ва инфратузилмани яратиш, шарт-шароитларни яхшилаш орқали ютуқларга эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди.

Ўтган вақт давомида кичик саноат зонасида мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш борасида шарт-шароитлар янада яхшиланди. Айни вақтда ҳудуддаги барча тадбиркорларга амалий ёрдам берилиб, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ечиш чоралари кўрилмоқда.

– Корхонамизда эркаклар, аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади, – дейди "Ўзимизники" масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари Тўлқин Ғозиев. – Ишчиларнинг асосий қисми хотин-қизлар. Ҳудудимизни кезсангиз, ҳудди кичкина шаҳарчага кириб қолгандай бўласиз.

Дарҳақиқат, "Яккасарой кичик саноат зонаси"да тадбиркорлар учун қатор қулайликлар мавжуд. Хусусан, банк шохобчаси, материал идора, темир йўл линияси хизмат кўрсатмоқда.

– Аввалари электрда узилишлар бўлиб турарди, – дейди "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонаси директори ўринбосари Абдукарим Валиев. – Ана шундай ҳолатга чек қўйиш мақсадида ҳар 50 корхонани ҳалқасимон усулда подстанцияларга улаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Сув узатишни тизимли таъминлаш мақсадида барча қувурлар янгиланмоқда. Давлат мулки, жисмоний ва юридик шахслар мулкининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган яхлит ёнғин хавфсизлиги тизими шакллантирилди. Ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласида туман ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси билан ҳамкорликда корхоналар ишчи ходимлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. "Идеал пласт" масъулияти чекланган жамияти "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонаси ҳудудидаги энг илғор ишлаб чиқарувчи субъектлардан бири ҳисобланади. Бу ерда турли диаметрдаги фитинг қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2015 йил Италия, Россия ва Хитой каби давлатлардан замонавий ускуналар олиб келинган эди. Натижада талаб юқори бўлган материал ишлаб чиқариш механизми ўзлаштирилди. Ҳозир корхона 58 турдаги маҳсулотни харидорларга етказиб бермоқда. Корхонада турли диаметрдаги арзон, сифатли фитинг қувурлари тайёрланмоқда. Маҳсулотларнинг ярими МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади. Италия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётган фитинг қувурлар европа стандартларига жавоб беради.

– Президентимиз корхонамизда ҳам бўлди, – дейди "Идеал пласт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳрат Тошхўжаев. – Давлат раҳбари сенинг корхонангга келса, орзу-хавасларинг, келгусидаги режаларинг билан қизиқса, олдингда турган муаммоларни бартараф этиш ҳақида қайгурса, қувонмай бўладими? Шу сабаб кўнглимиз тоғдек ўсди, янги марралар сари руҳландик. Билдирган фикрлари асосида иш фаолиятимизни қайта кўриб чиқдик. Шу вақтга қадар фитинг қувурлар ишлаб чиқариш учун хомашёнинг асосий қисмини четдан олиб келаётган эдик. Эндиликда Қорақалпоғистон Республикасидаги корхоналарга буюртма бердик. Биринчи чоракда 50 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилдик. Йил охирига қадар яна бир миллион долларлик шартномамиз бор.

"Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонаси ҳудудини айланар экансиз, рангбаранг маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлик субъектларига дуч келасиз. Бир тарафда бир-биридан кўркам либослар эътиборингизни тортса, бир тарафда она еримиз бағридан зувола олган Тошкент чиннилари хаёлингизни ўғирлайди. Қўлингизга олиб, чертсангиз нафис жарангидан олам-олам завқ оласиз.

Ана шундай ажойиб санъат намуналари 2014 йилда хитойлик чинни ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Zhong Cheng Ceramics" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Хориждан киритилган инвестиция эвазига миллий ва замонавий дизайн уйғунлигида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош элликдан зиёд турдаги чинни идиш ва эсдалик буюмлари сифати борасида устуворликка эришмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида дилерлик шохобчалари ва савдо нуқталари фаолияти йўлга қўйилган корхонада элликдан зиёд иш ўрни яратилган.

– Маҳсулот тайёрлашда Хитой технологиясини танлаганимиз бежиз эмас, – дейди тадбиркор Набижон Йўлдошев. – Биласиз, бу юрт чиннилари азалдан бутун дунёда маълуму машҳур. Мақсадимиз – ўзимизда импорт ўрнини босувчи ана шундай маҳсулотлар тайёрлашни тўла ўзлаштиришдир. Президентимиз ҳам биз билан мулоқотда маҳаллийлаштиришга алоҳида урғу берган эдилар. Шу боис Хитойдан янги технология харид қилдик. Унинг кўмагида "3D" кўринишдаги гуллари бўртиб турувчи чиннилар ишлаб чиқарамиз. Натижада яна камида бешта иш ўрни яратилади. Айни пайтда турли ҳудудлардан қатнаб ишлайдиган кулолларимизни ётоқхона билан таъминлаш чораларини кўраяпмиз. Бу муаммо юзасидан таклифларимизни "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонаси раҳбариятига тақдим этганмиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев турли учрашувларда мамлакатимизга инвестиция киритиш ҳажмини изчил кўпайтириб бориш, замонавий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш нақадар муҳимлиги ҳақида куйинчаклик билан сўз юритадилар. Зеро, инвестиция аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашнинг ҳал қилувчи омилидир.

Давлатимиз раҳбари "Яккасарой кичик саноат зонаси" давлат унитар корхонасида бўлганда хорижий инвестиция жалб қилинган корхоналар вакиллари билан ҳам учрашди. Шундай корхоналардан бири – енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Pronto" масъулияти чекланган жамиятидир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган, турли мавсумга мўлжалланган кийим-кечакларнинг 95 фоизи Италияга экспорт қилинмоқда. Яқиндан бошлаб маҳсулотлар Германияга ҳам экспорт қилина бошланди.

– Қаерда тадбиркор учун кўпроқ имтиёз ва қулайлик бўлса, бизнес одами шу жойга интилади, – дейди "Pronto" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, туркиялик ишбилармон Нуриллоҳ Дурсун. – Мен бизнес юритиш учун Ўзбекистонни танлаб, тўғри қилибман. Яқинда ишбилармон сифатида давлатингиз раҳбари билан учрашиш бахтига мушарраф бўлганимда бунга янада амин бўлдим. Кўрсатилган эътибордан чексиз қувондим. Тадбиркор инсон синчков бўлади. Чунки, у доим изланишдан манфаатдор. Мамлакатингизда аҳоли турмуш ободлиги йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотларни кузатиб, жадал ўзгаришларни кўриб, беҳад таъсирландим. Тадбиркорлик равнақ топган юртнинг иқболи албатта порлоқ бўлади.

"Яккасарой кичик саноат зонаси"дан қайтаётиб, бу ҳудуднинг илгариги аҳволи кўз ўнгимиздан ўтади: бир пайтлар ўзини ўзи эплай олмай қолган, ҳатто айрим хорижлик ишбилармонлар ҳам эпақага келтиролмаган собиқ "Тўқимачилик комбинати" ҳудудида бугун асосан юртимиз тадбиркорлари катта бизнесга асос солаётгани, келажакка кучли ишонч ва ғайрат-шижоат билан боқаётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг "халқимизни тадбиркор қилишимиз керак, бой қилишимиз керак", деган сўзлари мағзини чақмоқчи бўлган, бунинг ҳаётий исботини кўрмоқчи бўлган инсон бу ҳудудга бир келиши керак. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, халқимиз бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

Зиёда ВОҲИДОВА

ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК – ЭЗГУ МАҚСАДИМИЗ

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хабарингиз бор, шаҳримизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом этмоқда. Айниқса, Рамазони шариф кунлари дуолар ижобат бўлади, эзгуликларга савоблар кўпроқ ёзилади. Шундай экан, ҳамма савобли иш қилишга интилиши даркор.

Пойтахтимизда қанчадан-қанча корхонаю ташкилот бор. Агар ана шу идоралар масъулларию мутасаддиларини ўз ҳудудлари атрофини янада обод ва ораста этишга бел боғласа, шаҳримиз янада кўркамлашади, албатта.

Бугунги кунда, шаҳримизда фаолият юритаётган давлат ташкилотларида 250 мингдан ортиқ хизматчи меҳнат қилар экан. Уларнинг барчаси маҳаллаларда, аксарияти кўп қаватли уйларда яшайди. Мазкур ходимларнинг ўзлари ва оила аъзолари ободонлаштириш борасидаги тадбирларда ихтиёрий равишда иштирок этса, ҳашарчиларнинг сони икки маротабага ошади.

Бу борада кенг жамоатчилик фаоллигини оширишни ўзимиздан бошлашимиз лозим. Аввало, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, барча ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш ҳаммамизнинг инсоний бурчимиз эмасми?

"Оқшом" мухбирлари билан шаҳримиз маҳаллаларини айланганимизда бир қатор ижобий ва салбий ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик. Ташаббускор инсонларга ташаккур айтдик, баъзи ҳолатларни кўриб, дилимиз хира бўлди...

Нукус кўчаси шаҳримизнинг Яккасарой билан Миробод туманларини ўзаро боғлайдиган кенг ва равон шоҳ кўчалардан бири ҳисобланади. Атрофи гулларга бурканган, бири-биридан чиройли иморатларни томоша қилиб, кўзингиз қувнайди. Замонавий бекатлар йўл ҳуснига ҳусн бўлиб тушган.

Йўл юриб, Миробод туманидаги "Зиё нур" маҳалласига бориб қолибмиз. Маҳалла ҳудудини айланамиз. Асосан, 4-5 қаватли уйлар кўзга ташланади. 28-уйнинг фасадлари бўялган. Яқинда 15- ва 33-кўп қаватли уйларнинг оралиғига асфальт қопламалари тўшалибди. Бу маҳаллада пала-партиш гаражлар кўринмади, демак вақтида бузилиб, бартараф этилган.

Ушбу маҳалланинг 3- ва 32-уйлар оралиғида тадбиркор Умид Самиев томонидан 7,6 сотих жой текисланиб, аҳоли учун дам олиш маскани барпо этиляпти. Тадбиркорнинг айтишича, бу ердан фаввора ўрин олади, атрофига ўриндиқлар ўрнатилади, ҳудуд яшил майса билан қопланади.

Йўлимизда давом этамиз. 7-, 8- ва 9-уйлар атрофида чиқиндилар тўпланиб қолган, биров олай демайди. Айрим кўп қаватли уйларнинг рақамлари кўринарли жойга ўрнатилмаган. Яқин атрофда "Сувсоз" трестининг Миробод филиали жойлашган. 35-уй деворларига турли ёзувлар ёзиб ташланган, таъмирталаб аҳволда, атрофида ўт-ўланлар ўсиб ётибди.

Тумандаги "Лолазор" маҳалласига борганимизда кенг ҳажмдаги ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлдик.

– *Шаҳар ҳокимининг қарори асосида маҳалла марказини қуриш ишларини бошлаб юбордик,* – дейди "Лолазор" МФЙ раиси Маннобжон Аҳмедов. – *Маҳалла раиси, маслаҳатчи, котиб, посбон, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар, кутубхона, новвойхона, гўзаллик салони ҳудди Увайсий маҳалласидаги каби замонавий тарзда бунёд этилади. Маҳаллада 23 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга 11 та ширкат хизмат кўрсатади.*

Маҳалла оқсоқоли билан ҳудудни айландик. Тадбиркорлар томонидан 4 қаватли офисга мослаб бино қурилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан асфальт ётқизиляпти. Замонавий маҳалла маркази учун ер ажратилиб, жадаллик билан иш олиб бориляпти. Август ойида марказни битириш мўлжалланган.

Юқорида давлат ташкилотларида ишловчи ходимлар маҳаллада бошқаларга ўрнак бўлиши ҳақида сўз юритгандик.

Бу ерда айрим давлат идораларида ишлаётган маҳалла фуқаролари болалар майдончасини қуришда кўмак беришмоқда. ХУЖМШлар томонидан банк кредитлари асосида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Учтепа туманидаги "Боғобод" маҳалласида ҳам ҳудудни намунавий маҳалла марказига айлантириш мақсадида тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Бу ерда тадбиркорлик субъектлари томонидан замон талабига мос савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади.

Чилонзор туманида 51 та маҳалла мавжуд. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими раиси Ҳамза Нормуратовнинг айтишича, жойларда замонавий маҳалла маркази қурилиши ишлари бошланиш арафасида турибди.

"Новза" маҳалласи тумандаги обод маҳаллалар қаторига киради. Ушбу маҳалладан 52 та кўп қаватли уй ўрин олган бўлиб, уларга 22 та ХУЖМШ хизмат кўрсатади. 7 мингдан ортиқ киши шу маҳаллада истиқомат қилади. Кейинги пайтда уйларнинг ертўлалари, том қисми, йўлаклари, эшикларига эътибор қаратилди. Кўп қаватли уйларнинг йўлак атрофи бузилиб, бетон қопламалари ётқизилмоқда. Ободонлаштириш ишлари учун ширкатлар томонидан "Турон" банкидан 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи олинди.

– *Бизда Замонавий маҳалла дастури асосида икки ой ичида 2 қаватли маҳалла маркази реконструкция қилинади. Маҳалла раиси, котиби, посбон, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар бўлади. Кутубхона, новвойхона, оталар оромгоҳи, болалар ўйингоҳи, гўзаллик салони қад ростлайди,* – дейди МФЙ раиси М. Сиддиқов.

Маҳаллада ҳар бир кўп қаватли уйга кузатув камералари ўрнатилган. Кодли қулфлар, домофонлар қўйилган. Ҳудудни айланар эканмиз, афсуски, ҳали-ҳамон айрим гаражлар ҳудуд кўркини бузиб турганини ҳам кўрдик.

"Ботирма" маҳалласи Чилонзорнинг 17-мавзесида жойлашган. Бу ерда ҳам ҳудуд кўркини бузиб турган гаражларга кўзингиз тушади. Маҳалладаги "Қалдирғоч" номли мактабгача таълим муассасаси давлат дастурига тушганлиги учун мукаммал таъмирдан чиқарилмоқда. Маҳалла ҳудудидаги айрим кўп қаватли уйлар атрофи тозаланмаган, ўт-ўланлар ўсиб ётибди.

Қатортол кўчасида эса гул кўчатлари экаётган ишчиларга кўзингиз тушади. Кейинги пайтда бу кўча кенгайтирилиб, ободонлаштирилди. Аҳоли дам олиши учун ўриндиқлар қўйилди, фавворалар ишга туширилди.

Чилонзор туманидаги "Чилонзор Оқтепа" маҳалласи 7-мавзеда жойлашган. Бу ерда кейинги пайтда бир қатор янги уйлар бунёд этилибди. Бир неча болалар майдончалари қурилган. Аммо мавзенинг кўпгина жойларида чиқиндилар тўпланиб қолган. 12-кўп қаватли уй олдида болалар майдончаси қурилиши керак бўлган жой қазиб ташланган. Автомашина шиналаридан айлантириб ясаб олинган "қўлбола болалар ўйингоҳи" умуман талабга жавоб бермайди...

Олмазор туманидаги "Янги Себзор" маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг олди асфальтлаштирилибди. 18-уй ёнида болалар майдончаси қуриб берилган. Аммо Қорақамиш 1/4 даҳасидаги 165-умумтаълим мактаби олдидаги нохуш ҳолат дилни хира қилади.

Саёҳатимизда давом этиб, Янги Қўйлиқ кўчаси бўйлаб Сергели туманидаги "Халқобод" маҳалласига кириб келдик. Маҳалладан ассан 5 қаватли уйлар ўрин олган. "Олтин балиқча" номли мактабгача таълим муассасасининг атрофи ободонлаштирилгани киши ҳавасини келтиради. Маҳаллага 25 та кўп қаватли уй қарайди. 44-уйнинг 2-йўлаги атрофи чиройли гуллар билан безатилган. Бу ерда қурувчиларнинг уйларнинг фасад қисмини таъмирлаётгани устидан чиқдик. Йўлимизда давом этиб, Яшнобод туманига ҳам келдик. Илгари Бобур номи билан аталадиган маҳалла бугун иккига бўлинган. Бири – 5 мингдан ортиқ аҳолиси бор "Бешариқ", иккинчиси – ўзида 28 та кўп қаватли уйни бирлаштирган, 4 минг 753 нафар киши истиқомат қиладиган "Баркамол" маҳалласи. "Баркамол" МФЙ ҳудудидаги 16-сон чиқинди йиғиш шохобчасига замонавий чиқинди ташлаш қутилари қўйилибди. 12-уй атрофидан ўтамиз. Уй деворларига ҳар хил сўзлар ёзиб ташланган. Лотоклар тозаланмаган, 9 қаватли уйнинг орқа томони ва 63-уй оралиғида чиқинди тўпланиб қолган.

Яшнободдан чиқиб, равон йўллардан ўтиб, Мирзо Улуғбек туманига кириб бордик. Қорасув мавзесининг 3-даҳасидаги "Катта Қорасув" маҳалласи ҳудудидаги кўп қаватли уйлар фасад ва йўлаклари таъмирланганлиги билан ажралиб туради. Уй деворига кечаси ёруғлик берувчи рақамлар ўрнатилган. Бироқ айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, мавзедаги бир нечта гараж бузилган, аммо уларнинг қолдиқлари эгалари томонидан тозаланмаган.

Дарҳақиқат, ушбу тумандаги яна кўпгина кўчаларда таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўқитувчи, Латофат, Бинокор, Ғазалкент ва бошқа ички кўчаларда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Якка тартибдаги уйлар атрофи кўркамлиги, ободлиги билан ажралиб туради.

Сафаримизни давом эттирар эканмиз, Шайхонтоҳур тумани Марказ 13-мавзеси, Лабзак кўчаси, 27 ва 28-уй оралиғидаги тўпланиб қолган чиқиндилар эътиборимизни тортди. 28-уй 1-йўлаги таъмирталаб аҳволда. Болалар ўйингоҳларида ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Айрим гаражлар атрофида ахлат уюмлари мавжуд. Кўп қаватли уйлардан ўтар эканмиз, 5, 7, 8, 9-уйларга хизмат кўрсатувчи "Янги турмуш" ХУЖМШ идорасидан сал нарида гаражлар олдига одамлар чиқиндиларни сочиб ташлашгани таъбимизни хира қилди. Абдулла Қодирий кўчаси, 7-уй олдидан ўтамиз. "Янги турмуш" деб ёзиб қўйилган. Чиройли ном. Демак, одамлар ҳам замон талабига мослашиб, турмуш тарзини, яшаш шароитларини яхшиласа мақсадга мувофиқ бўларди.

Тумандаги "Гулобод" маҳалласидамиз. Маҳалла идораси эски бинода жойлашган. Етарли шароитлар йўқ. МФЙ раиси вазифасини вақтинча бажарувчи, маҳалла котибаси Дилфуза Амирджановнинг таъкидлашича, маҳалла идораси бузилиш режасига тушган, йил охиригача замонавий маҳалла биноси қурилар экан. Маҳаллада 3 та болалар майдончаси бўлиб, яна 8 тасининг қурилиши кўзда тутилган. Ҳудуддаги 10-уйнинг 1-йўлаги, 11-уйнинг 2-йўлаги таъмирталаб аҳволда.

Биз фақат айрим туманларни айландик, мавжуд аҳволни ўргандик. Ва албатта, ҳали бошқа туманлар билан танишишда давом этамиз. Ачинарли томони шундаки, шаҳримизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги давом этаётган бўлсада, кўрган жойларимизда миллий урф-одатимизга хос бўлган ҳашарлар уюштирилаётган, яшовчилар томонидан ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган ҳолатларни деярли учратмадик. Фақат айрим жойларда бир-иккита кишининг меҳнат қилаётганининг устидан чиқдик, холос. Тўғри, жойларда гаражлар бузиляпти, бироқ уларнинг эгалари ҳатто тақир-тукурларини олиб кетишга ва атрофни орасталашга ҳам шошилмаяптилар. Ахир бу ишни бошқалар қилиб бермайди-ку. Зеро, чиқинди тўпланган ва тартибсиз жойлардан барака кетиши ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳа, ҳар бир маҳаллада давлат идораларининг ходимлари, тадбиркорлар яшайди. Гарчи жамоат ишларида фаолият кўрсатишлари учун даъват ва чақириқлар қилинаётган бўлсада, бироқ ободонлаштириш ва тозалик борасида уларнинг салмоқли ҳиссаси сезилмаяпти. Гарчи шанба, якшанба кунлари кўпчилик уйда бўлмаганида ҳам оила аъзолари бу борада кўмакка келиши мумкин-ку. Маҳалла фаолларининг ҳам улар билан ҳамкорликка интилишлари суст аҳволда. Энг муҳими, бундай муаммоларни ҳал этишда ўзимиз – кенг жамоатчилик ташаббускор бўлмаяпмиз чоғи.

Маълумки, 1 июнь куни шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида автомототранспорт воситаларини сақлаш жойларини тартибга келтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, талабга жавоб бермайдиган автомототранспорт воситаларини сақлаш қурилмаларининг бузилиши ҳисобига замонавий кўп қаватли тураргоҳлар барпо этилади. Ўйлаймизки, ана шунда кўпгина муаммолар ўз ечимини топади.

Шуни таъкидлаш лозимки, яшаб турган ҳудудимизни тоза тутиш, биринчидан, уй эгаларининг ўзига боғлиқ, ҳар ким атрофини обод қилса, тоза тутса, чиқинди ташламаса, ўз уйини, маҳалласини севса, унинг ободлигига ҳисса қўшса, нур устига нур бўлади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, шаҳримизда кенг кўламда амалга оширилаётган ободончилик ишларига муносиб ҳиссамизни қўшайлик! Ўзимиз ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллаларимизда орасталик ва тозалик юмушларига сидқидилдан бош қўшайлик.

Барчамиз ким бўлишимиздан қатъи назар маҳаллада яшаймиз. Бинобарин, "Маҳалланг – отанг" деган ажойиб ҳикмат бор ва буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ободликка ҳисса қўшиш ҳам савоб ишларга киради. Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши кераклигини ҳаёт тарзига айлантирсаккина кўзланган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Шундай эмасми, азизлар!

Зийрак бобога
Даврон НУРМАТОВ котиблик қилди.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

ЎЗ ҲУДУДИМИЗНИНГ ОБОДЛИГИГА ҲИССА ҚЎШИШ – БАРЧАМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАЙЛИК

Кайфиятни кўтарадиган манзаралар...



Чилонзор туманидаги "Чилонзор Оқтепа" маҳалласида жойлашган болалар майдончаси.




Миробод туманидаги "Лолазор" маҳалласидаги кўркам мини-футбол майдончаси.



Мирзо Улуғбек туманидаги "Оқибат" маҳалласидаги ибратли дўконларнинг атрофи.

Дилни хира қиладиган ҳолатлар...



Юнусобод тумани 4-мавзедаги бир ҳолатдаги гараж атрофига қараб бўлмайди.



Яшнобод туманидаги "Баркамол" маҳалласи ҳудудида жойлашган 63-уй орқа томонидаги ўйингоҳ олдида анча кундан бери чиқинди тўпланиб қолган.



Шайхонтоҳур туманидаги "Гулобод" маҳалласидаги 11-уйнинг 2-йўлаги аҳволи.

НУРОНИЙЛАР ТАЖРИБАСИ — КАТТА ҲАЁТ МАКТАБИ

Пойтахтимизда "Фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил қилинган семинарда маҳалла раислари, маслаҳатчилари ва фаоллари, нуронийлар иштирок этди.

"Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси Ш.Жалилов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари З.Рўзиев, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов ва бошқалар мамлакатимизда нуронийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш, маҳалла институтини жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш борасидаги ислоҳотлар эл-юртимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини, барқарор соғлом муҳитни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш бўйича зарур вазифалар қўйилган.

Президентимиз фармонига кўра, жамоатчилик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида (овуллар, қишлоқлар, маҳаллалар) фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича белгиланган муҳим вазифалар изчил бажарилмоқда.

Буларнинг барчаси кексалар турмуш сифатини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган.

Семинар иштирокчилари шўъбаларда нотинч оилаларни соғломлаштириш, ҳуқуқбузарликлар ва ажримларнинг олдини олишда нуронийларнинг вазифалари, тўй-маросимларни миллий анъаналаримизга мос равишда ўтказишнинг зарурияти, нуронийларнинг маҳаллалардаги ёшлар билан ишлашдаги ўрни, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда диний идоралар билан ҳамкорлик масалалари сингари мавзуларда амалий машғулотлар олиб борди. Машғулотларда мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

МУНОСИБ ТАРБИЯ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, уларни турли ёт ғоялардан огоҳ этишга қаратилган "Тарбия – буюк неъмат" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари, университет ўқитувчилари, талабалар иштирок этган тадбирда бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва етук инсонлар этиб тарбиялаш учун барча имконият ва шарт-шароит мавжудлиги, бунда, аввало, миллий қадриятларимизга суянишимиз лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ҳаракатларни ташкил этиш борасида устувор вазифалар белгиланган.

– Давра суҳбатида мамлакатимизда ёшлар эришаётган юксак натижаларнинг бардавом бўлиши, бизнинг маънавиятимизга ёт турли ахборотларга қарши кучли иммунитетга эга авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳияти ҳақида фикрлашилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси Жаҳонгир Жўраев. – Ҳаракатлар стратегиясининг "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар" деб номланган бешинчи йўналишининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Давра суҳбатида ёшлар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

(ЎзА)







Ёз – 2017

КУНДУЗГИ ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Пойтахтимиздаги 110-умумтаълим мактаби қошида "Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи" кундузги дам олиш маскани фаолият бошлади. Бу ердаги турли спорт-соғломлаштириш майдончалари, тўгараклар, кутубхона ва маънавият хоналарида болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам болажонларнинг ёзги таътил вақтида мароқли дам олишини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Умумтаълим мактаблари қошида кундузги дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Кундузги оромгоҳлардаги китобхонлик машғулотлари, "Спорт – менинг ҳаётим", "Саломатлик – туман бойлик", "Биз бахтиёр авлодмиз" тадбирлари, қатор ижтимоий лойиҳалар болажонларда қизиқиш уйғотмоқда.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахтда 66 кундузги дам олиш маскани ўз фаолиятини бошлади. Уларда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ушбу оромгоҳларда 6-14 ёшдаги 29 мингдан ортиқ ўғил-қиз дам олади. Кундузги болалар оромгоҳлари ташкил этиладиган мактабларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши, моддий-техник базаси ва ёнғин хавфсизлиги таъминлангани яна бир бор кўрикдан ўтказилди. Тарбиячи сифатида жалб этилган умумтаълим мактабларининг педагоглари учун Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти қошида ўқув машғулотлари ўтказилди.

Дам олиш масканлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида қўлланма ва тавсиялар тайёрланиб, барча оромгоҳларга етказилди. Ушбу масканлар электрон дарслик ва қўлланмалар, мультфильмлар тўплами билан таъминланди. Мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари ҳам болажонлар хизматида.

– Кундузги болалар оромгоҳлари ёш авлодни соғломлаштириш, баркамол этиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади, – дейди 110-умумтаълим мактаби директори Умида Рашидова. – Муассасамизда ташкил этилган кундузги оромгоҳга икки юзга яқин ўғил-қиз жалб этилган. Болаларнинг таътилни мазмунли ўтказиши учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Тўқиш, либослар дизайни машғулотлари, айниқса, қиз болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда. Рақс, актёрлик маҳорати тўгараклари, турли фанларга, хусусан, чет тилларга оид машғулотлар ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Тўқиш ва рақс тўгарагларига қатнашаяпман, – дейди ЎзА мухбирига мактабнинг 3-синф ўқувчиси Муниса Мақсудова. – Дугоналарим билан болалар кийимлари тўқишни ўрганяпмиз.

"Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи" кундузги дам олиш масканида стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда. Болаларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида "Ёш китобхон" танлови, шунингдек, турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Оромгоҳда тиббиёт хонаси мавжуд бўлиб, тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур барча дори-дармон воситалари билан таъминланган. Малакали шифокор ва тиббиёт ҳамширалари болалар саломатлигини назорат қилиб боради.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган "JACKSOFT MEDICAL DIAGNOSTICS SERVICES" хорижий инвестиция иштирокидаги масъулияти чекланган жамиятига қарашли клиникада "Ҳар бир бола меҳр, эътибордан четда қолмасин" деб номланган хайрия акцияси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Учтепа туман бўлими томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган бўлиб, унда тумандаги "Меҳригиё" тиббий-ижтимоий маркази тасарруфидаги имконияти чекланган болалар ва уларнинг оналари иштирок этишди.

— Бугунги тадбирни уюштиришимиздан асосий мақсад тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган ёшларимизни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишдан иборат. Ҳозирда "Меҳригиё" тиббий-ижтимоий марказида 50 та имконияти чекланган болалар бор. Улар доимо давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор туфайли меҳр ва эътибордан четда қолишмайди. Бундай хайрия акцияларини мунтазам ўтказиб туришни режалаштирганмиз, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Учтепа туман бўлими ижрочи директори Шоиста Закирова.

Шу куни клиникада болалар невропатолог, отоларинголог, эндокринолог, окулист, педиатр, гастроэнтеролог, ортопед ва бошқа соҳа мутахассислари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, ЭКГ, УЗИ, ЭЭГ, рентген, мамография каби тиббий техник воситалардан унумли фойдаланилди.

Хайрия акциясида соҳа мутахассислари имконияти чекланган болаларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволлар бўйича батафсил жавоблар беришди. Болаларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ва турли ширинликлар тортиқ этилди.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри

Учтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2017 йил 5 июль).

Телефонлар: (0371) 236-78-52, 233-44-48, 269-00-05.

"Prime Aluminium" (СТИР 303671532) масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2017 йил 14 июнь кунидаги 02-сонли баённома қарорига мувофиқ, жамиятнинг устав фонди 16 000 000,00 сўм миқдоридан 6 000 000,00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 10 000 000,00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 24- уй.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сонли фармонига мувофиқ, Суд департаменти фаолияти тугатилиши муносабати билан Суд департаментининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари томонидан "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган кўчмас мулклари савдоси тўхтатилганлиги маълум қилинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0371) 200-07-01, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Ягона дарча маркази томонидан 02.09.2013 йилда № 11-000848 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MANG'IT ART" МЧЖ (ИНН 204551493) таъсисчининг 13.06.2017 йилдаги №3 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99871 252-71-47

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Чилонзор тумани, 8-даҳа, 33-уй, 25-хонадонда яшовчи Адамбаев Шоназар Раджабоевич номига берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ислом Каримов номидаги ТДТУ томонидан 2008 йилда Салимбеков Олимбек Саидазимбекович номига берилган В № 362886-сонли бакалавр дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номидаги ТДПУ томонидан 2011 йилда Мирходжаева Нилуфар Абдуллаазизовна номига берилган В №541761 сонли бакалавр дипломи ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 25.07.2012 йилда "MATBUOT JARANGGI" МЧЖ ИНН (207156959)га берилган реестр рақамли №007684-10 гувоҳнома ҳамда думалоқ ва тўртбурчак муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **16 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Футбол янгиликлари

ИККИ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

ФИФА томонидан пляж (соҳил) футболи бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси 60-ўринга лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 62-поғонада қайд этилган терма жамоамиз икки поғона юқорилагани қувонарли.

Осиё миқёсида ҳам терма жамоамиз бир поғона юқорилади. Аввалги рейтингда 12-поғонани банд этган терма жамоамиз бу сафар 11-ўринни эгаллади.

Осиё футбол конфедерацияси рейтингида Эрон терма жамоаси ҳамон етакчи бўлиб турибди.

Жаҳон рейтингида пешқадам бўлиб келган Португалия ўз ўрнини Бразилия терма жамоасига бўшатиб берди. Жаҳон миқёсида учинчи ўринда бораётган Россия ҳам бу сафар 4-ўринни банд этди. Россиянинг ўрнини Эрон терма жамоаси эгаллади.

ҲАМЮРТИМИЗ РОССИЯГА БОРАДИ

Келгуси йили Россияда футбол бўйича ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатига қитъалар чемпион терма жамоаларининг ўзига хос тайёргарлиги сифатида эътироф этилаётган Конфедерациялар кубоги турнири 17 июндан старт олади.

Маълумки, Конфедерациялар кубоги турнирида 6 та минтақада чемпион ҳамда 2014 йилда Бразилияда ташкил этилган жаҳон чемпионати ғолиби қатнашади.

Яқиндагина жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқичи "В" гуруҳидан ўрин эгаллаган Австралия ҳамда Саудия Арабистони терма жамоалари учрашувини бошқарган ҳамюртимиз ФИФА рефериси, Осиёнинг беш карра энг яхши ҳаками, жаҳон чемпионатлари иштирокчиси Равшан Эрматов энди Конфедерациялар кубогида ишлайди. Равшан Эрматов Конфедерациялар кубогида рефери видеоассистенти вазифасини бажаради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бугунги глобаллашув жараёнида алоқа воситаларининг борлиги яхши, аммо бу қулай техника воситаси одамларни турли жиноятларни содир қилишга сабабчи бўлаётгани ачинарлидир...

Қилмиш - қидирмиш

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Малика ва Фаёза (исм-шарифлар ўзгартирилган) битта коллежда таҳсил олувчи яқин дугоналардан эди. Қизлар севиш, севилиш ёшида эмасми, иккаласи бир йигит устида талашиб қолдилар. Ҳатто улар ёқалашишгача боришди.

Бундан алами келган Фаёза Маликадан ўч олгиси келди. Бир куни телефон олди-сотдиси билан шуғулланувчи холаси Роҳатой Молдахоновага бу ҳақда айтиб, унинг танобини тортиб қўйишини сўради. Ва Маликанинг телефон рақамини холасига тутқазди.

Малика аввал бошданоқ йигитлар билан жуда кўп гаплашар, "смс"лар ёзишар, шўх-шаддод қиз эди. Роҳатой Маликага "Абдурасулхўжа", "Бек" исмлари остида "смс" ёза бошлади. Унга уйланишини айтиб, ишончига кирди. Уларнинг бу "смс"ларидан Маликанинг онаси Марғуба опа ҳам хабар топди. У "Абдурасулхўжа" бир неча бор Маликага "совға" бериб юборганлигини ҳам билар, қизининг бахтли бўлишини истарди, албатта.

Тарбия қаерда мустаҳкам қарор топади, албатта аввало оилада, маҳаллада. Оилада муҳит, ўзаро муносабат яхши бўлса, бу оила мустаҳкам, тарбияда адашмайди. Акси бўлсачи?

Малика ва Мухлисалар оиласида катталар ўртасида меҳр-оқибат етишмасди. Оила бошлиғи – эр бўлмиш Бердиёр ака қизлар тарбиясига бефарқ эди, ўзи кўп ичарди, хотини Марғуба билан тез-тез жанжаллашиб турар, шунинг учун уй бекаси тилла тақинокларини онасиникида сақларди.

"Абдурасулхўжа" ва Малика фақат "смс" орқали гаплашишар, бир-бирини яқиндан кўрмаган эди. Худди шу тарика Роҳатой ҳийла ишлатиб, Маликанинг синглиси Мухлисанинг телефон рақамини билиб олиб, унга ўзини "Жаҳонгир" деб таништириб, ишончига киради. Улар телефонда ҳар куни "смс" ёзишарди.

Хуллас, Роҳатой йигитлар номидан опа-сингилга турли ёқимли "смс"лар ёзиб, ишончига кириб олганидан кейин уларни чув тушириш режасини тузади.

Унинг қўлига тушган Маликанинг беҳаё ҳолатдаги расмлари, Фаёза орқали оиланинг бойлиги, ожиз томонларини билиб олганлиги унга қўл келади. Агар айтганимни қилмасанг, шармандангни чиқараман, деб алдов ва қўрқитиш йўли билан Малика ва Мухлисаларнинг бувисининг уйида сақланаётган тилла тақинчоқларни қўлга киритади ва сотиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади. Яъни, Роҳатой Молдахонова 2015 йил октябрь ойидан 2016 йил июль ойига қадар бўлган вақт оралиғида қизларни алдаб, жияни Даврон Йўлчиев орқали Марғуба Ўлжаевага тегишли жами нархи 7,5 млн. сўмлик тилла тақинчоқларни, "Samsung Galaxy S II" русумли телефон аппарати, "Nokia 6275" русумли телефон аппарати, "Артел" телефон аппарати, планшет, атир комплекти, Хитой ва АҚШ дан келтирилган қўл соати, 200 АҚШ доллари ва 700 минг сўм миқдордаги пулларни қўлга киритиб, ушбу оилага жуда катта миқдорда моддий зарар етказган.

Уйдаги бу тиллаларнинг йўқолганини агар оила аъзолари билиб қолган тақдирда Р. Молдахонова иккала опа-сингилга дорихонадан "демидрол" таблеткасини ичишни, шу орқали оила аъзоларини қўрқитишни тайинлайди. Уларнинг уйига жияни Даврон орқали демидрол дорисини етказиб беради.

Бу маслаҳатга кўра, Мухлиса Ўлжаева ота-онаси билиб қолиб, тиллаларни, пулларни сўраганида, 10 дона демидрол олиб ичиб, ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилади.

Бу дори унинг соғлиғига зарар етказиб, кўзларининг кўриши хиралашади.

2017 йил март ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман суди очиқ суд мажлисида ушбу ишни ҳар томонлама холис кўриб чиқиб, айбдорларга нисбатан муносиб жазо тайинланди. Роҳатой Молдахоновага нисбатан Жиноят кодексининг 168, 165, 103-моддаларини қўллаб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги Амнистия қарорининг 6-банди "а" кичик бандини қўллаб, ўталмай қолган жазо муддати ундан бир қисмга қисқартирилди. Даврон Йўлчиев эса 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Судланувчилардан 25,8 млн. сўм жабрланувчиларга солидар тартибда ундириладиган бўлди.

Ҳукмни ўқир экансиз, ўйга толасиз: оилада қизларнинг тарбиясига жиддий эътибор бериш лозим. Улар мисоли очилмаган ғунча. Малика ва Мухлиса тарбияси бўшаштириб юборилган. Улар ўз ота-онасига нисбатан ёлғонни кўп ишлатишган. Иккаласи ҳам қимматбаҳо телефонини Р. Молдахоновага бериб юборибди, бири сувга тушиб кетди деб алдаса, яна бири мактабда йўқотдим деб ўз ота-онасини алдайди. Уйдаги қимматбаҳо буюмларни кўрмаган-билмаган "севгилиси"га воситачилар орқали бериб талон-тарож қилади. Бу жиноятнинг содир бўлишида, икки опа-сингилнинг ҳам айби борлиги жуда ачинарли ҳолдир. Ушбу нобоп йўлга кириб қолишида аввало ота-онанинг, қолаверса мактаб, коллеж, маҳалла-қўшнинг ҳам катта айби бор албатта. Токи, тарбияда оқсаш бўлса, келажакда жабрини ўзимиз тортамиз.

Жаҳонгир УСМОНОВ,
Олмазор тумани прокурори ўринбосари

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ